*Илғор тажриба минбари*

# ОМИЛКОРЛИК САМАРАЛАРИ

**Қорақалпоғистон автоном республикасида ўтган йили пахта тайёрлаш юзасидан давлат план топшириқларининг ва социалистик мажбуриятларнинг шараф билан адо этилишида Элликқалъа райони заршуносларининг ҳиссалари ҳам катта бўлди. Район пахтакорлари қадимий чўл ўрнида ҳар гектар ердан ўртача 42,3 центнердан ҳосил ундириб, она-Ватанга 55 минг тонна «оқ олтин» етказиб бердилар. Районда Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқариш борасида эришилган ютуқлар ҳам чакки эмас. Яқинда махсус мухбиримиз Б. ЮСУПОВ шу район партия, совет, хўжалик раҳбарлари ва ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашиб, уларнинг бу ютуқлар қандай қилиб қўлга киритилаётгани ҳақидаги ҳикояларини ёзиб келди:**

**Олимбой ПРИМОВ,**
**Район партия комитетининг биринчи секретари:**

— Асрлар бўйи уйқуда ётган Элликқалъа массивида даставвал Беруний ва Тўрткўл районларидаги хўжаликларнинг сайёр бригадалари, бўлимлари ва участкалари пайдо бўлган эди. Бора-бора чўл қиёфаси ўзгариб, кўплаб обод посёлкалар, маданий -маиший бинолар қад кўтарди. Сайёр бригадалар ва участкалар, колхозлар ва совхозларга асос солди. 1977 йилга келиб эса Элликқалъа райони ташкил топди.

Ҳозирга қадар районда 14 минг гектар янги ер ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалик оборотига киритилди. Жами экин майдони 21132 гектарга етди. Унинг асосий қисмида пахта етиштирилади. Ўтган беш йиллик мобайнида ҳар йили ўртача 42 минг тоннадан пахта тайёрланган бўлса, ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки уч йилида бу кўрсаткич 55 минг тоннага етди ва давлатга жами 165 минг тонна пахта етказиб берилди. Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, чўлқуварларимиз пахтадан мўл ҳосил етиштириш сирларини мукаммал эгаллаб олдилар.

Ишлаб чиқаришни бошқаришнинг барча бўғинларида ўз касбининг чинакам усталари ишлашяпти, деса сира ҳам муболаға бўлмайди. Пахтачиликда ҳам, чорвачиликда ҳам биз одамларда ҳамиша олға интилиш, эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш ва янада янги марраларни эгаллаш сари кураш иштиёқи жўш уриб турганини ҳис қиламиз. Уларнинг айниқса партиямиз Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқаришга муносиб ҳисса қўшишга қаратилган ижодий ташаббускорлиги битмас-туганмасдир. Буни районимизда чорвачиликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган тадбирлар қанчалик катта самара бераётганида ҳам кўриш мумкин.

Фақат кейинги беш-олти йил ичида районда чорва маҳсулотлари етиштириш деярли икки баравар кўпайди. Ҳозир чорвачилик фермаларимизда 6598 бош қорамол, шу жумладан 1818 бош соғин сигир боқилмоқда. Яқин бир-икки йил ичида биргина Абай номли совхознинг ўзида қора моллар сони беш минг бошга етказилади. Ғаллачилик ва чорвачиликка ихтисослашган бу хўжаликнинг ташкил этилганига эндигина икки йил бўлди. Шунингдек, районда туячиликка ихтисослашган «Аёзқалъа» совхози ҳам ташкил этилган. Унда ҳозирнинг ўзидаёқ уч мингта туя ва бир ярим мингта йилқи боқилмоқда. Яқин келажакда қимиз ва шуват тайёрлайдиган завод қуриш ҳам мўлжалимизда йўқ эмас.

Илғор чорвадорларнинг бой тажрибасини ишлаб чиқаришга кенг жорий этишга ҳамиша катта эътибор бериб келмоқдамиз. Улар районимизнинг ўзида ҳам анчагина. Орджоникидзе номли совхоздан Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг депутати Г. Бердибоева, Калинин номли колхоздан М. Оллоберганова, «Ленинград» колхозидан К. Собирова, «Қирққизобод» колхозидан Ш. Раметова каби сут соғувчилар ҳар бир сигирдан 3—4 минг килограммдан сут соғиб олишаётгани, Латип Олимов, Берди Байрамов, Жолғос Маханов каби молбоқарлар ҳар юз бош сигирдан 90 тага етказиб соғлом бузоқ олишга эришаётгани районимиз шароитида юксак кўрсаткич ҳисобланади. Ҳозир бутун ташкилий-сиёсий ишларимиз умуман район бўйича ўртача кўрсаткичларнинг ҳам ана шундай даражага етказилишини таъминлашга қаратилгандир. Афсуски, ҳозирча районда ҳар бир сигирдан соғиб олинаётган сут миқдори ўртача 2,5 минг килограммга, ҳар юз бош сигир ҳисобига олинаётган бузоқлар сони эса 75 тага тўғри келмоқда. Гўштга топширилаётган молларнинг ўртача тирик вазни эса 325 килограммни ташкил этмоқда.

Район партия комитети чорвачиликни юксалтиришга қаратилган ҳар қандай ташаббусни кенг қўллаб-қувватламоқда. Масалан, яқинда «Москва» совхози ва «Қирққизобод» колхози чорвадорларининг ўн биринчи беш йиллик топшириқларини тўрт йилда бажариш юзасидан ташаббусларини маъқулладик. Биз ана шу хўжаликлар тажрибаси асосида бошқа жойларда ҳам ишни кўнгилдагидек ташкил этиб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига муносиб совғалар тайёрлаш учун тегишли чора-тадбирларни кўряпмиз. Хўжаликларда чорванинг мустаҳкам озуқа базасини вужудга келтириш, наслчилик ишларини яхшилаш ва иш жараёнларини комплекс механизациялашга асосий эътиборни қаратмоқдамиз. Ўтган йили бу соҳада анчагина ишлар қилинди. 2400 гектар ерда дон учун, 1343 гектар ерга силос учун экилган маккажўхоридан, 2612 гектар ердаги бедадан мўл ҳосил етиштирилиб, 33286 тонна силос, 2218 тонна сенаж, 10 минг тонна беда пичани, 36618 тонна дағал хашак жамғариб қўйган эдик. Ҳозир чорва қишлови тўқ ва соз ўтмоқда.

Шуни эътироф этиш керакки, район меҳнаткашларининг пахтачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантириш учун курашида хўжалик юритишнинг иқтисодий омиллари, ишлаб чиқаришда мавжуд резерв ва имкониятларни қидириб топиш ва ишга солиш муҳим роль ўйнамоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1982 йилги май Пленуми ана шундай омиллардан бирини — хўжалик юритишни янги изга солиш кераклигини кўрсатиб берган эди. Пленум кўрсатмаларига асосан ҳамма жойда бўлгани каби, бизнинг районимизда ҳам агросаноат бирлашмаси Совети тузилди, район партия комитетида қишлоқ хўжалик бўлими ташкил этилди. Натижада район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига оид масалаларнинг оператив тарзда ва энг муҳими, малакалироқ ҳал этилиши учун имконият туғилди. Райком аппарати эндиликда меҳнат коллективларидаги ишларнинг аҳволини чуқур таҳлил қилиш, меҳнат шароити билан яқиндан танишиш, кенг жамоатчиликни қизиқтирувчи масалаларни ўрганиш ва айниқса, кадрларнинг ишчанлиги ва сиёсий тайёрлигини амалда кўриш, уларни топширилган иш учун юксак масъулият руҳида тарбиялаш масалалари билан яхшироқ шуғулланадиган бўлиб қолди.

**Козим НУРИМБЕТОВ,**
**Район агросаноат бирлашмаси Советининг раиси:**

— Ўтган йили қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва мамлакат Озиқ-овқат программасининг рўёбга чиқишига муносиб ҳисса қўшиш учун кураш ҳар қачонгидан оғир бўлди. Негаки, баҳорда ва айниқса ёз ойларида юз берган об-ҳаво инжиқлиги нафақат пахтачиликда, балки, суғорма деҳқончиликнинг барча тармоғида ва чорвачиликда ҳам катта қийинчиликлар туғдирди. Агар экин майдонларимизнинг янги ўзлаштирилган чўл зонасида жойлашганлиги эътиборга олинадиган бўлса, пахтакорларимиз, ғаллакорларимиз, сабзавоткорларимиз, полизчиларимиз ва боғбонларимиз бу қийинчиликларни енгиш учун нақадар катта жасорат ва уддабуронлик кўрсатишганини тассаввур қилиш қийин бўлмаса керак.

Бунингсиз ҳам чўлқуварлар экин майдонларини деҳқончилик учун яроқли ҳолга келтириш учун мислсиз куч-ғайрат кўрсатиб ишлашади. Масалан, бизнинг шароитимизда янги ер қандай очилишини олиб кўринг: даставвал, ернинг устки қатлами, яъни асрлар давомида тўпланган қум барханлари батамом суриб ташланиши ва шу йили гектарига 200—300 килограммдан фосфорли ўғитлар солиниб шудгорлаб, экин экилмасдан суғориб қўйилиши керак. Шундагина бу ерларда чигит текис кўчат беради.

Шундай бўлишига қарамай, районимиз меҳнаткашлари ўтган хўжалик йилини муваффақиятли якунладилар. Давлатга 55 минг тонна пахта, 3096 тонна сабзавот, 1916 тонна полиз маҳсулоти, 13970 тонна дон, 631 тонна мева, 128 тонна узум, 684 тонна гўшт, 3640 тонна сут, 2110 минг дона тухум, 192,5 тонна пилла топшириб, йиллик план ва социалистик мажбуриятларимизни анча ошириб бажардик.

Ишимизнинг якунларини таҳлил қиларканмиз, биз ҳар гал бундай ютуқларга эришилишини таъмин этган омиллар, эътиборимиздан четда қолган баъзи муҳим резерв ва имкониятлар ҳақида ўйлаймиз. Ўтган йилги натижалар шуни кўрсатадики, техника воситаларидан ва ўғитлардан оқилона фойдаланилган хўжаликларда ҳосилдорлик ошиб, маҳсулот таннархи арзонлашяпти. Масалан, ўтган йили бир центнер пахта етиштириш ўртача 48 сўмга тушди. Калинин номли ва «Қирққизобод» колхозларида эса техника воситалари қуввати ҳар бир ишловчига ҳисоблаганда деярли 14 от кучига тенг бўлиб, ундан унумли фойдаланиш эвазига бир центнер пахта етиштириш учун район кўрсаткичидан анча кам маблағ сарфланди. Бу хўжаликларда ҳосилдорлик ҳам юқори бўлди — гектар бошига 55 центнердан ошиб кетди.

Ҳар йили пахтакорларимиз кўплаб минерал ўғит олмоқдалар. Ўтган йили ҳар бир килограмм азот ҳисобига район бўйича ўртача 16 килограммдан пахта етиштирилди. Айрим хўжаликларда бундан ҳам яхши кўрсаткичларга эришилди. Масалан, бир килограмм азот ҳисобига етиштирилган пахта ҳосили «Москва» совхозида 19 килограммни, «Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги», «Октябрь 60 йиллиги», «Қирққиз» совхозларида ва Калинин номли колхозда 16-17 килограммни ташкил этди.

Минерал ўғитларнинг самарадорлигини янада ошириш мумкин. Лекин айтиш керакки, бунга тупроққа солинган минерал ўғитнинг миқдорини кўпайтириш йўли билан эмас, балки, унинг ғўза ва бошқа экинларнинг актив ривожланиши учун «хизмат» қиладиган зонасида «ҳазм» бўлиш даражасини ошириш йўли билангина эришиш мумкин. Кейинги йилларда баъзи хўжаликларимизда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Микробиология институтининг биология фанлари кандидати Исмоил Жуманиёзов раҳбарлигидаги бир гуруҳ олимлари тавсиясига кўра чигитни яшил сув ўти (хлорелла) билан ивитиб экиш натижасида тупроқда минерал ўғитлар, айниқса азотнинг ўзлаштирилиши даражаси анча ошганлиги, энг муҳими, пахта ҳосилдорлиги одатдаги усулда экилган ерлардагига нисбатан бирмунча юқори бўлганлигини кўрдик. «Октябрь 60 йиллиги» совхозида ўтган йили 400 гектардан ортиқ ерга чигит хлорелла билан ивитиб экилган эди. Бу майдонларда ғўза 2—3 та чин барг чиқарган кезда ва шоналаш даврида культивация ўтказиш билан бирга ўсимлик устидан ПГС-4 ускунаси ёрдамида хлорелла ҳам сепилган эди. Натижада ғўза бошқа майдонлардагига нисбатан баравж ўсди, анча олдин шоналади ва гуллади, 2—3 та ортиқ кўсак тугди, пахта одатдагидан 10—15 кун эрта очилди. Муҳими шундаки, бу майдонлардаги ғўзанинг устки қисмидаги ҳосил ҳам оммавий терим даврига қадар тўла пишиб етилди ва пахта октябрь ойининг иккинчи ўн кунлигидаёқ батамом териб олинди. Биз бу усулни бундан буён яна ҳам кенг жорий этиш чора-тадбирларини кўряпмиз.

Бизнинг назаримизда пахтачиликни кескин ривожлантиришга ёрдам берадиган яна бир муҳим резерв борки, у ҳам бўлса қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил қилиш ва рағбатлантиришнинг коллектив пудратини кенг жорий этишдир. Сурхондарё ва Наманган областларида бўлгани каби меҳнатни хўжалик ҳисоби асосида ишлайдиган бригада методи бўйича ташкил этиш меҳнат унумдорлигининг ўсишига, айни чоғда маҳсулот таннархининг камайишига ва ишловчиларнинг соф даромади ошишига катта таъсир кўрсатмоқда.

**Жамила БЕКЖОНОВА,**
**«Москва» совхозининг бригада бошлиғи, СССР Олий Совети депутати:**

— Партиямизнинг тарихий XXVI съезди қарорларига жавобан ўн биринчи беш йиллик топшириғини уч йилда бажариш юзасидан бригадамиз коллективи ўз зиммасига олган мажбуриятини шараф билан бажарганидан бениҳоя мамнунман. Ўтган йили ҳар гектар ердан 55,5 центнердан ҳосил етиштирдик. Давлатга бригадамиз бўйича 361 тонна пахта етказиб бердик. Бу пландагидан 101 тонна кўп, демакдир. Меҳнат унумдорлиги эса бурунги йилдагига нисбатан 15 процент ўсди. Натижада пландаги 47.379 сўм ўрнига 79.491 сўм миқдорида соф фойда олинди, бригада аъзоларининг ўртача ойлик иш ҳақи эса 272 сўмни ташкил этди. Бу совхоз бўйича ўртача иш ҳақидан 62 сўм кўп демакдир. Рентабеллик даражаси 53,5 процентга етди, яъни олдинги йилдагига қараганда 9,3 процент ошди.

Бунинг асосий сабабларидан бири, аввало, бригадамизда ишлар пировард натижани кўзлаган ҳолда пудрат методи асосида уюштирилгани бўлса, қолаверса, пахтакорларнинг онгли равишда зўр уюшқоқлик билан меҳнат қилганликларидир.

Пахтачиликда, менимча, у ёки бу агротехника тадбирининг қай тариқа амалга оширилиши лозимлигини билмайдиган бригада бошлиғи йўқ бўлса керак. Гап фақат ана шу тадбирларнинг қай даражада сифатли ва вақтида бажарилиши устидагина бориши мумкин. Биз кўпроқ ана шу масалага эътибор берамиз, кези келганда ишни сифатсиз бажарган кишиларга нисбатан чоралар ҳам кўрамиз. Чунки ер бефарқликни, сифатсиз ишловни ёқтирмайди. У ҳам худди норасида чақалоққа ўхшаб тўғри тарбияга муҳтож. Борди-ю, пахтазорда бир марта сифатсиз культивация ўтказилган бўлса, у ерни изга солгунча қанча вақт ва куч сарф бўлишини бригадамизда тушунмайдиган одам бўлмаслиги керак. Ахир халқимиз: «Ерга ҳурмат — элга ҳурмат» деб бежиз айтмаган.

* * *

**Район қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари шу кеча-кундузда эришилган суръатни келгуси йилда ҳам сақлаб қолиш, пахта ва бошқа маҳсулотларни етиштириш юзасидан белгиланган топшириқларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш учун кузги-қишки тадбирларни сифатли амалга оширмоқдалар. Техника ремонти ва далаларга маҳаллий ўғит ташиб чиқариш жадал давом эттирилмоқда, далаларга яхоб берилмоқда. Айни чоғда партия сиёсий маорифи ва иқтисодий таълим системасида, агрозоотехника курслари машғулотларида ўтган йили район хўжаликларида, бўлимлар ва бригадаларда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш соҳасида эришилган ютуқлар атрофлича таҳлил этилиб, илғор тажрибалар амалиёт учун қабул қилинмоқда, фойдаланилмай ётган резервлар ва имкониятлар аниқланмоқда.**



## МЕХАНИЗАТОРЛАР ВАХТАДА

**Ўтган йилги ғоятда қийин об-ҳаво шароитларига қарамай Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз азаматлари 1800 гектар ернинг ҳар гектаридан 37 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олдилар.**

**Мўл ҳосилга куз ва қиш ойларидаёқ мустаҳкам замин яратилишини кўп йиллик тажрибаларидан синовдан ўтказган колхоз заршунослари айни кунларда ерларни шудгорлашни тугаллаш арафасида турибдилар.**

**Колхозда органик ва минерал ўғитлар солинган майдонларга икки ярусли плуглар тиркалган тракторлар киритилади. Ҳар бир майдон маълум тракторчига бириктирилган. Ҳайдалган ерни сифат комиссияси аъзолари синчиклаб текшириб, қабул қилиб оладилар. Агар пайкал сифатли ҳайдалган бўлса, механизаторга устама ҳақ тўланади. Ўзаро мусобақада тажрибали тракторчи Зубаир Ажалимов пешқадамлик қилмоқда. Суратларда: илғор механизатор З. Ажалимов (чапда) ва шудгорлаш пайти акс эттирилган.**



Ж. Тўраев фотолари.

ДУНЁ ХАБАРЛАР ФАКТЛАР ВОҚЕАЛАРИ

# СОЦИАЛИЗМ ОДИМЛАРИ

### АКТУАЛ МАСАЛАЛАР ЎРГАНИЛМОҚДА

● УЛАН-БАТОР. Монголия аймоқлари қишлоқ меҳнаткашларининг партиявий-сиёсий ўқиши системасида бу йил биринчи машғулотлар бўлиб ўтди. Ҳозирги босқичда МХРПнинг социал-иқтисодий сиёсатини амалга оширишнинг актуал масалалари, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг тинчликсевар ташқи сиёсий йўли лекция ва семинарларнинг асосий мавзулари бўлди.

Айрим қишлоқ хўжалик коллективларида машғулот планларини тузиш чоғида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш вазифаларига алоҳида эътибор берилганлиги қонуниятли бир ҳолдир. Тажриба шуни кўрсатдики, бундай конкрет ёндашув қишлоқнинг ёш меҳнаткашларини меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашга ёрдам бермоқда. Меҳнаткашларга партиявий-сиёсий таълим бериш форма ва методларини такомиллаштириш эндиликда партия идеология ишининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолди.

### ҚУРУВЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

● ХАНОЙ. Ўтган йили Вьетнамда ўнлаб муҳим халқ хўжалик объектлари фойдаланишга топширилди. Республика қурувчиларининг ВСР пойтахтида бўлиб ўтган кенгаши қатнашчилари қурилиш индустриясининг шу даврдаги иш якунларини ва келгусидаги вазифаларни муҳокама қилдилар. Нотиқлар қайд этиб ўтишганидек, 1983 йилда Қора дарё тўсилди (бу ерда Совет Иттифоқининг ёрдами билан Хоабинь гидроузели қурилмоқда), Фалай иссиқлик электр станциясининг (бу электростанция ҳам СССРнинг ёрдамида барпо этилмоқда) биринчи энергоблоки ишга туширилди, Биншон ва Хонгтхать шаҳарларида цемент заводлари қуриб битказилди. Уй-жой қурилиши, бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш суръатлари ва ҳажмлари ортди. Тармоқда кенг авж олиб кетган меҳнат мусобақаси, Совет Иттифоқидаги ва бошқа қардош социалистик мамлакатлардаги ҳамкасбларнинг илғор тажрибасини ўрганиш катта роль ўйнади.

### УЙ-ЖОЙ ФОНДИ ЯНГИЛАНМОҚДА

● БЕРЛИН. ГДРда уй-жой фондини янгилаш уй-жой программасини амалга оширишнинг муҳим таркибий қисмидир. Эски уйларни капитал ремонт қилиш ва реконструкциялашдан иборат шу ишларнинг кўламлари муттасил кенгайиб бормоқда. Ҳозир республиканинг амалда барча шаҳарларида шундай ишлар бажарилмоқда. Беш йиллик мобайнида жами 350 мингдан кўпроқ эски квартира янгиланиши керак. Бу эса аввалги беш йилликдагига қараганда қарийб 50 процент кўпдир.

Биринчи навбатда энг кўп иқтисодий самара берадиган қурилишнинг индустриал методларини кенг қўлланиш ҳисобига шундай ўсишга эришилиши лозим. Аввало қурилиш ташкилотларининг механизациялаш воситаларини жорий этишлари ва ишлаб чиқаришни рационализация қилишлари шулар жумласидандир.

Шуниси диққатга сазоворки, Берлиндаги Марцан каби янги уй-жой районларини ҳозир катта-катта округ уйсозлик комбинатлари барпо этаётган бўлса, эски квартираларни реконструкция қилиш ва янгилаш соҳасидаги ишларнинг асосий ҳажмини районларга бўйсунувчи унча катта бўлмаган қурилиш ташкилотлари бажармоқдалар. (ТАСС).

# ПРОТОКОЛ ИМЗОЛАНДИ

КОНАКРИ. Бу ерда СССР билан Гвинея Халқ Революцион Республикаси ўртасида маданий ва илмий ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги протокол имзоланди. Протокол маориф ва соғлиқни сақлаш, илмий тадқиқотлар, санъат, маданият ва кинематография соҳасида ҳамкорликни, шунингдек информация алмашиш янада ривожлантирилиши ва чуқурлаштирилишини, икала мамлакатнинг ёшлар ташкилотлари, касаба союз ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотлари ўртасидаги алоқалар кенгайтирилишини кўзда тутади.

Гвинея Демократик партияси сиёсий бюросининг аъзоси, олий таълим ва илмий тадқиқотлар министри Мамади Кейта протоколни имзолаш маросимида гапириб, икки мамлакат ўртасидаги маданий ва илмий алоқаларга юксак баҳо берди. У Совет Иттифоқи республика миллий кадрларини тайёрлашга қўшаётган ҳиссани алоҳида таъкидлади ва икки томонлама ҳамкорлик янада ривожлантирилишини ёқлаб гапирди.

М. Кейта халқаро информация алмашиш доирасида империализм тутаётган сиёсатни қоралади. Бу сиёсат натижасида халқаро майдонда ривожланаётган мамлакатлар ҳақида нотўғри тасаввур вужудга келмоқда.

(ТАСС).

# ОШКОР БЎЛГАН ҲУЖЖАТЛАР

ВАШИНГТОН. «Қўшма Штатлар Лотин Америкаси билан шунчаки муносабат ўрнатиб келаётгани йўқ, балки у ерда коммунизмга қарши курашмоқда». Бу сўзлар жуда таниш кўринади. Улар бамисоли президент Рейганнинг навбатдаги нутқидан олингандек, аслида эса бу сўзларни бундан қарийб 30 йил муқаддам ўша пайтдаги президент Д. Эйзенхауэр миллий хавфсизлик кенгашининг махфий мажлисида гапирган эди.

Вашингтоннинг бу ерда эълон қилиниб, сири ошкор бўлиб қолган ва 50-йилларнинг ўрталарига мансуб бўлиб қолган расмий ҳужжатларидан олинган бу сўзлар моҳият эътибори билан АҚШнинг шу кунгача ҳам мазкур регионадаги муносабатларини белгилаб келаётган шиордир. Мустақил давлатларнинг ички ишларига сурбетларча аралашиш, миллий озодлик ҳаракатларини бостириш, иқтисодий дўқ-пўписа ва қуролли интервенциялар шу сиёсатнинг ўзига хос хусусиятларидир.

Д. Эйзенхауэрдан кейин бирин-кетин ҳокимият тепасига чиққан маъмуриятлар шу принципларга қатъий риоя қилиб келдилар. Буни исботловчи далиллар жуда кўп. АҚШнинг махсус маҳкамалари иштирокида 1964 йилда Бразилияда қилинган давлат тўнтариши, 1971 йилда Боливияда МРБ ёрдамида ташкил этилган ҳарбий исён, 1973 йилда Чилидаги Сальвадор Альенде ҳукумати ағдариб ташланганлиги шулар жумласига киради. Яқинда Гренадага қилинган безориларча ҳужум, Никарагуага қарши қўпорувчилик ҳаракатлари ҳозирги Вашингтон маъмуриятининг регионадаги сиёсатини яққол фош этади.

М. БЕГЛОВ.
(ТАСС).

# ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

✦ КОБУЛ. Демократик Афғонистонда маориф давлат системасини ривожлантириш ва саводсизликни тугатиш — революцион ҳокимият амалга ошираётган муҳим вазифалардан биридир. Яқинда Саманган вилоятида 65 та саводсизликни тугатиш курси, Ҳирот вилоятида хотин-қизларнинг саводини чиқариш учун ўнлаб курслар очилди. Пойтахтда чиқадиган «Ҳақиқати инқилоби Савр» газетаси Кобул шаҳрининг ўзидагина саводсизликни тугатиш курсларида ҳозирги вақтда 51 минг киши ўқиётганлигини уқтириб ўтади.

✦ ИСЛОМОБОД. Таниқли сиёсий арбоб Бегум Асқархон хоним покистонлик хотин-қизларга эркаклар билан тенг ҳуқуқлар берилишини талаб қилди. У хотин-қизларнинг Лоҳурда бўлиб ўтган оммавий митингида нутқ сўзлаб, «Гувоҳлар тўғрисидаги қонун» деб аталмиш қонунни кескин танқид қилди.

✦ ИСТАМБУЛ. Туркияда чиқадиган етакчи газеталардан бири «Жумҳуррият» газетаси Туркиянинг мустақил ташқи сиёсий йўл ўтказишини, НАТО олдидаги ҳарбий мажбуриятлар бекор қилинишини ёқлаб чиқди. Бу мажбуриятлар мамлакатнинг миллий манфаатларини хавф остига қўяди. Туркия территорияси, деб таъкидлайди «Жумҳуррият» газетаси, ядро қуролидан ҳоли бўлиши керак.

✦ ҚУВАЙТ. Халқаро кескинлик кучайганлиги учун бутун масъулият Вашингтоннинг ҳозирги маъмуриятти зиммасига тушади, деб ёзади Қувайтда чиқадиган «Ат-Талиа» ҳафталик газетаси. АҚШ ўтказаётган агрессив милитаристик йўл бутун дунё учун жиддий хавф туғдиради. Оқ уй халқаро кескинлик юмшатилиши жараёнига путур етказишга, «совуқ уруш» даврига қайтишга интилмоқда.

✦ ДАМАШҚ. Исроил ҳарбий маъмурлари Иордан дарёсининг босиб олинган ғарбий соҳилида ўзбошимчалик ва қонунга хилоф ишларни давом эттирмоқда. Фаластин ВАФА ахборот агентлигининг хабар беришича, босқинчилар Ал-Ҳалил шаҳри районида яна 3200 донум (бир донум 0,1 гектарга тенг) ерни мусодара қилдилар. Исроил солдатлари ана шу ерлардаги уйларни ва хўжалик бостирмаларини бузиб ташладилар.

✦ ҚОҲИРА. СССРнинг кўмагида Баланд Асвон тўғонини бунёд этиш давомида ҳосил бўлган Носир кўли Мисрда балиқчиликнинг асосий марказларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу сунъий денгизда ҳозирги вақтда бутун мамлакатда овланаётган балиқнинг тўртдан бир қисми етиштирилмоқда. 2000 йилга бориб бу кўрсаткич яна 15 процент ошади. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, Носир кўли аҳолини озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлаш проблемасини ҳал этишда муҳим роль ўйнамоқда.

(ТАСС).

# КАПИТАЛИЗМ ИЛЛАТЛАРИ

### ЖИДДИЙ ПРОБЛЕМА

**Брюсселдан берилган хабарга кўра, ўтган йили Бельгиянинг давлат қарзи мамлакатнинг бутун тарихида биринчи марта рекорд даражага кўтарилган. Эълон қилинган расмий маълумотларга қараганда, ҳозир бу қарз уч триллион олти юз саксон тўрт миллион франкни ташкил этади. Бошқача қилиб айтганда, бу қарзни мамлакат аҳолисининг жон бошига тақсимлаганда ҳар бир фуқаро учун 368 минг франк тўғри келади. Мамлакатда чиқадиган «Суар» газетаси ана шу жиддий проблемани шарҳлаб, Бельгиянинг молиявий ва иқтисодий соҳадаги бундай мушкул аҳволи тобора чуқурлашиб бораётганини таъкидлайди. Газетанинг ёзишича, бу жиддий проблема янги йилда яна ҳам баттарроқ кучайиши турган гап.**

### ҚИЗИҚ РЕКОРД

**Италиянинг Милан шаҳридан юборилган бир мактуб Удин шаҳридаги ўз адресига 23 йил ичида етиб борибди. Юзаки қараганда бу кулгили бир аҳволдир, яъни хат 382 километрлик масофани 8400 кун мобайнида босиб ўтибди. Бошқача қилиб айтганда, мактуб бир кунда ҳаммаси бўлиб 45 метрдан йўл босган.**

**Италия агентлиги бу фактни шарҳлаб, мамлакат почта хизмати мактуб ва бошқа буюмларни адресга кечиктириб элтиб беришда ўзига хос ана шундай рекорд қўймоқда деб таъкидлайди. Бундай ҳоллар ҳозирги кунда мамлакат почта хизматида оддий бир воқеага айланиб қолган.**

### ФАВҚУЛОДДАГИ ТАШВИШ

**Яқинда АҚШнинг Калифорния штатидаги Санта-Барбара шаҳрида кутилмаганда аҳоли бошига янги бир ташвиш тушиб қолди. Шаҳар фуқароларининг ёппасига заҳарланиши мумкин бўлган хунук воқеа юз берди. Натижада маъмурлар 10 мингдан ортиқроқ аҳолини шаҳарни ташлаб чиқиб кетишга мажбур қилдилар. ЮПИ агентлигининг хабар қилишича, табиий газни тозалаб чиқарувчи заводда маъмурларнинг эътиборсизлиги туфайли аҳоли учун юбориладиган газ шахобчасига инсон ҳаёти учун хавфли бўлган кимёвий моддалар аралашиб кетган. Газ шахобчаларини тозалаш учун эса бир неча ҳафта керак бўлди. Бу давр ичида аҳоли ўз уйларига қайтишдан маҳрум бўлдилар. Кишилар, айниқса болалар ва кексалар бир неча кун давомида дуч келган жойда истиқомат қилишга мажбур бўлдилар.**

**Матбуотнинг таъкидлашича, бундай эътиборсизлик, аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқларидаги бош-бошдоқлик кўпинча фуқаро бошига тўсатдан ана шундай ташвишлар келтириб чиқармоқда.**

